МУМТОЗ ШЕЪРИЙ ЖАНРЛАРНИНГ ТУРКИЙ ТИЛДАГИ ИЛК ТАДҚИҚИ

Ж.ЙЎЛДОШБЕКОВ

В статье освещено своеобразие исследований классических поэтических жанров в трактате Х.Тарози «Фунун ул-балога», которое явилось первым трактатом по поэтике, созданном на узбекском языке.

This article is covered the originality of researches classical poetic of genres in the treatise H.Tarozi "Funun ul-baloga" which was by the first treatise on poems, created on the Uzbek language.

Бирор поэтик асарни холис баҳолаш учун унинг асли нима (жанрига кўра) экани, унда қандай жиҳатлар бўлмоғи лозим, қайси ўрнида ютуқ ёки кашфиётлари бор эканини билиш керак бўлади. Асарнинг чин баҳосини беришда бу жуда муҳимдир. Бунинг учун жанрлар таърифи, уларнинг асосий тамойил, ўлчам ва чегаралари аниқ белгиланганлиги илмий тафаккурнинг бадиий хаёл парвозидан ортда эмаслигини кўрсатади.

Замонавий адабиётшунослик бу соҳада юксак ютуқларга эришган. Бунда саволлар жавоблар билан ҳамқадам бормоқда. Бироқ қадимда ушбу масалага етарли эътибор билан қаралмаган. Поэтик қисмлар у ёқда турсин, жанрлар ҳам мустақил эстетик ҳодиса сифатида текширилмаган. Поэтик жанрлар ва шеърий қисмлар масаласи бу даврда яратилган илмий тадқиқотларда тамомила назардан четда қолган, ошиб борса, бошқа масалалар баёнида йўл-йўлакай айтиб кетилаверган. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, шеърий яратиқлар қимматини белгилаш, уларнинг жанрини аниқлашда чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

XII-XIV аср адабиётшунослари шеър жанрларини алоҳида тадқиқ қилмаганликларига, балки, ўша пайтлар ҳали жанрлар тўла шаклланиб улгурмагани, шаклланиш, ривожланиш, ўзгариш, янгиланишда давом этаётгани сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, фақат XV асрга келибгина поэтик жанрлар ва шеърий қисмларни илмий тадқиқ этишга примитив шаклда бўлса-да, киришилди.

Шеър жанрлари ва поэтик қисмлар 1436 йилда Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарида алоҳида бадиий ҳодиса сифатида китобнинг махсус бобида тадқиқ этилди. Бу факт шеърий жанрлар ва бадиий матн поэтик компонентлари тадқиқи қачон ибтидо олганини билдиради. Бадиият илмида айни соҳанинг тадқиқига илк бор туркий адабиётшуносликда, бизнинг юртдошимизнинг асарида, она тилимизда киришилганлиги алоҳида илмий аҳамиятга эга ҳодисадир.

Маънавий қадриятларга эътибор кучайган ҳозирги пайтда қандайдир сабаблар билан илмий истеъмолга кирмай қолган, мафкуравий ҳадиклар туфайли ўз вақтида кам ёки нотўғри ўрганилган илмий, адабий меросни холис тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади. Миллий ўлчамлардан, анъанавий эстетик қарашлар туфайли шаклланган мезонлардан келиб чиқилгандагина миллат маънавиятига тегишли ҳодисаларни тўғри баҳолаш мумкин бўлади. Соф миллий ҳодисаларни Шўро даврида бўлганидек европача қарашларга таяниб изоҳлаш бу ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида нотўғри хулосалар чиқаришга, табиати тўғрисида янглиш тўхтамларга келишга сабаб бўлиши мумкин. Шарқ мумтоз адабиётининг билимдони Н.Ю.Чалисова "Рашидиддин Ватвот ва унинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр фи-дақойиқ уш-шеър"асари" мақоласида таъкидлаганидек: *«...анъанавий адабиёт ва адабиётшунослик назариясини ўрганиш, талқин этиш қанчалик "амалий" қимматтга эга эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Шу туфайли ҳам мумтоз, баъзан замонавий адабиёт тадқиқига фақат Оврўпо филология фани атама ва тушунчаларига таянган ҳолда ёндашув кўпинча чигал, ҳатто, хато фикрларни келтириб чиқаради. Бундай ёндашувда табиийки, анъанавий адабий-эстетик тасаввур, мукаммал шаклланган бадиий тизим асосида яратилган асар — тадқиқот объектининг "қаршилиги"га дуч келинади*"[1].

Дарҳақиқат, яқин-яқинларгача миллий адабиётга тааллуқли ҳодисалар унга ёт, бегона талаблар асосида баҳоланарди. Аслида эса, асарга у яратилган давр, анъаналар, миллий эстетик ўзига хослик нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Миллий ҳодисани бегона қолипларга мослаштиришга уриниш табиий равишда англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Бунга ҳозирги ўзбек адабиётида оврўпоча андазадаги айрим тажрибаларнинг ўқувчига унчалик тушунукли, яқин бўлиб кета олмаётгани яққол мисол бўла олади. Чунки бу асарларни яратишда таянилган қадрият ва асослар бизга бир қадар бегонадир.

Мумтоз туркий адабиёт назарияси тарихи араб ва форс адабиётшунослиги билан чамбарчас боғлиқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Араблар истило қилинган мустамлака юртларга ўзининг шаклланган, қатъий қонуниятларига эга, қолиплар қуршовида мавжуд бўлган бадиий адабиёти билан бирга унинг ўсиш қонуниятларини изоҳлашга йўналтирилган адабиётшунослик фанини ҳам олиб кирди. Бегона қолиплар имкон берган чегарада ривожлана бошлаган бадиий адабиёт аста-секин тараққий топа, бетакрор ўзига хосликларга эга бўла борди. Бу ҳол табиий равишда миллий адабиётлардаги ўзига хосликларни изоҳлайдиган илм бўлмиш адабиётшунослик юзага келишини талаб этарди. Шунинг натижаси ўлароқ, XI асрда Ибн Синонинг "Фанни шеър" ("Шеър илми") асари яратилди. Ушбу яратиқ Аристотель поэтикасига асосланган бўлса-да, Ажамдаги адабиётшуносликка оид илк асар эди. Шу фактнинг ўзиёқ туркий адабиётнинг назарияси форсий тиллилардан бизга ўтмаганини, аксинча, туркийлар яратган назарий илм форслар томонидан ўзлаштириб олинганини кўрсатади. Классик адабиётшунослик тарихининг таниқли билимдони Р.Мусулмонқулов "Форс-тожик мумтоз поэтикаси (X—XV асрлар)" асарида: "*Форс-тожик мумтоз поэтикаси илдизлари ўз анъаналаридан ташқари: а) қадим Юнон адабий-назарий тафаккури; б) ўрта аср араб бадииятига бориб тақалади*"[2;11] қабилидаги тўхтами билан айни фикрни яна тасдиқлайди. Бир қарашда бизнинг даъвомиз асоссизга ўхшаб кўринади. Аммо масалага сал синчиклаброқ қаралса, тожикистонлик олим "а)" бандда алоҳида таъкидлаб кўрсатган "*қадим Юнон адабий-назарий тафаккури*" форс тилига айнан туркий Ибн Сино томонидан ўгирилиб, изоҳлангани маълум бўлади.

Ажамда арузга асосланган шеъриятни ўрганиш XII асрда, яъни Ибн Синодан салкам юз эллик йил кейин Муҳаммад ибн Умар Радуйонийнинг "Таржумони балоға" асаридан ибтидо олди. Ушбу тадқиқот Рашидиддин Ватвот, Носириддин Тусий, Шамс Қайс Розий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний томонидан форсийда давом эттирилиб, ривожлантирилди. Бироқ ушбу тадқиқотларда асосий эътибор шеър санъатлари, вазн, қофияга берилади. Буларнинг бирортасида шеърий жанрлар, шеър қисмлари алоҳида, мустақил поэтик бирлик сифатида жиддий илмий тадқиқ этилмаган. Рашидиддин Ватвот шеър қисмларини, ҳатто: "*Ушбу санъат билимдонлари эътиборига тушган сўзлар*"[1;705] сифатидагина санаб ўтади ва қисқача таъриф беради. Таърифга тортилган атамалар: "*мадҳ (мадиҳ, мидҳат), ҳажв (ҳижо), ташбиб (насиб, ғазал), мусарраъ, ҳаси, таржиъ, акс, тадвир, мукаррар,*

иртижол (бадиҳа), раввият (фикрат), жазолат, салосат (салис), таассуф, ракакат, саҳли мумтанеъ”нинг [1;707] айримлари Аҳмад Худойдод Тарозийнинг туркий тилда яратилган илмий асарида шеър шакллари, шеърий санъат сифатида тадқиқ этилади.

Шамс Розий эса шеър қисмлари, жанрлар сингари аниқ назарий масалага “*атамага айланган ҳамда шоирлар орасида кенг тарқалган шеърий шакл*” [3;413-414] тарзида қарайди. Бироқ шеър қисмлари тадқиқигагина бағишланган махсус бобда, негадир, шеър қисмлари ўрнига: “*насибу ташбиб, ғазал, рубои, муздаваж, мусарраъ, мужаммаъ, байт алқасида, луғзу муаммо, мутакаллафу матбуъ*” сингари шеърий жанр ва санъатлар тадқиқ этилади. Фақат Ҳусайн Воиз Кошифийгина ўзининг “Бадоеъ ул-афкор” [4;31-38] асарида ўттиз бир атамани аниқ гуруҳларга ажратилган тарзда тадқиқот доирасига тортади. Бунда атамалар адабиётнинг услубий-бадиий жиҳатига дахлдор (эжоз, баст, мусарраъ), байт компонентлари, шеър унсурлари (садр, аруз, ибтидо), нутқ турлари (наср, назм) ҳамда шеърнинг ғоявий-мавзувий хосликлари (тавҳид, наът, марсия, ҳазлу мутойиба) сингари гуруҳларга ажратиб тадқиқ этилган.

Шеърий жанрлар ва шеър қисмлари Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида тўлиқ, алоҳида боб ҳолида, энг муҳими, содда ва тушунарли тилда берилган. Асарнинг “Ал-фанн ул-аввал фи-ақсом иш-шеър” тарзида номланган илк боби шеър компонентлари ҳамда жанрлари тадқиқига бағишланган. “Фунун ул-балоға” асарида тадқиқотчи форс тилли олимлардан (Рашидиддин Ватвотдан ташқари) фарқли тарзда асосан арабий атамалардан фойдаланган. Бироқ арабий атамалар жуда тушунарли, хосларгина эмас, ҳар қандай истовчи учун ҳам англашиларли тилда изоҳланган. Асар адабиёт назариясига оид туркий тилдаги илк асар бўлишидан ташқари, унда шеър қисмлари ва жанрлари тадқиқи учун биринчи бор махсус боб ажратилган. Унгача яратилган бирор назарий асарда ушбу бадиий бирликлар тадқиқига алоҳида боб ажратилмаган ва улар махсус тадқиқ қилинмаган.

Асар мундарижаси (“фахрест ул-фунун”)да: “*Аввалги фаннда шеърнинг ақсомин ва анвоин шарҳ қилур*” [5;32],- дейилади. Ушбу бобда шеър жанрлари саноғи қуйидагича бошланади: “*Билгилким, мажмуъи шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми, улким мўътабардур, ўн навъ келибтур...*”[5;32]. Шу ўринда “ақсом” ва “анвоъ” истилоҳлари қайси атамаларни ифодалашини аниқлаштириб олиш лозим. Санаб ўтилган шеърий жанрлар ҳақида гапирар экан Тарозий уларни: “*Бу ўн навъ шеърким...*”,- дея умумлаштиради. “Навъ” сўзи тур, хил, кўриниш маъноларини беради. Шеърнинг “ўн хили, тури” жанр маъносига тенг келади. Зеро, “қисм” (кўплиги “ақсом”) бутуннинг бўлаги бўлса, “навъ” туркум ҳодисанинг мустақил, ўзига хосликлари ва алоҳида белгиларга эга кўринишидир. Демак, жанр “Фунун ул-балоға”да “навъ” деб аталган. Бироқ асар давомида “навъ” сўзи жанр атамасидан ташқари ўз луғавий маъноларида ҳам жуда фаол қўлланилган.

Асарнинг “фи-ақсом иш-шеър” бобида аввал шеър жанрлари муайян тартибда: “*қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард*”,- тарзида саналади [5;32]. Бу ўринда жанрлар ҳажми (каттадан кичик томон), шоирлар орасида қўлланиш частотаси, мавқеъи, тарқалганлик даражаси, мавзу кўламига кўра жойлаштирилган. Катта ҳажмли “қасида” билан бошланган навъ саноғи энг кичик “фард” билан якунланади. Навълар тадқиқида уларнинг қофиясига ҳал қилувчи композицион бирлик сифатида аҳамият берилади. Яъни жанр белгиси “*Рубоий тўрт мисраъ бўлур. Аввалғи ва иккинчи ва тўртинчи мисраида қофия келтурурлар. Ва учинчи мисраи ихтиёрийдур. Агар қофия келтурсалар рубоийи мусарраъ дерлар*” [5;40], ёки “*Қитъа улдурким, аввалги мисраинда қофия бўлмас...*” [5;39] тарзида таърифланади. Бунинг устига Тарозий “*... шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас*” [5;61] тарзида шеърнинг шеър ёки шеър эмаслигини фақатгина қофия ҳал этишини қатъий таъкидлайди.

Сўнгра шеърнинг ғоявий-мавзувий кўринишлари санаб ўтилади ва содда тилда қисқа изоҳ берилади. Бу таърифлар халқона соддалик ва академик аниқлик билан берилгани учун ҳеч қандай шубҳа ва саволларга ўрин қолдирмайди: “Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллаға ҳамд айтсалар, они *тавҳид* дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳис-салот вас-саломни васф қилсалар, *наът* дерлар... Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, *муножот* ўқурлар. Ва хулофойи рошидинни таъриф қилсалар, *маноқиб* ва *манқабат* дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўгсалар, *мадҳ* ва *мадҳат* ва *тамаддуҳ* ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, *марсия* дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, *ҳажв* ва *мазаммат* дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, *мутойиба* дерлар” [5;32].

Олим ўзига хос ҳажм, қофия тизими, вазн ўлчамларига эга бўлмаган, фақат мақсади, сабаби, мавзусига кўра алоҳида ажралиб турадиган бу каби бадиий ҳодисаларни жанр эмас, балки шеър кўриниши сифатида баҳолаган. Бунинг устига, Тарозий томонидан ушбу шеър кўринишлари “*ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар қойсида... айтса бўлур*” тарзида таърифланади. Бу таъриф ҳам бугунги кунда жанр мақомига эга айрим бадиий ҳодисалар мустақил жанр эмас, шеърнинг ғоявий-мавзувий шак-

ли экани ҳақидаги фикримизни далиллайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша замондаёқ, Тарозий томонидан сатира билан юмор фарқланган ва улар орасидаги айирма: "*Агар кимарсани нафрин қилсалар, ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар*",- тарзида содда, тушунарли ва аниқ кўрсатиб берилган.

Шеър қисмлари, аниқроғи, бадиий матн компонентлари ҳам Тарозийнинг услубига хос қисқалик, соддалик, тушунарлилик билан таърифланган. Бу таърифлар "Фасл" дея номланиб, адабиётшуносликда илк бор алоҳида мустақил қисм тарзида тақдим этилган. Бунда аввал ҳам насрий, ҳам назмий нутқ ва ҳатто достонга тегишли компонентларга таъриф берилади: "Нусханинг ибтидосин, агар наср бўлсун ё назм, *фотиҳа* ўқурлар. Ва интиҳосин *хотима*. Ва аввалиндин оғози достонғача *дебоча* дерларким, ул тавҳид ва муножот ва наът ва маноқиб ва мадҳ ва сабаби таълиф бўлғай"[5;32]. Шунингдек, юқорида қайд этилган шеърий шаклларни қандай турдаги асарларнинг қайси ўрнида бериш мумкинлиги ҳам олим томонидан қатъий белгилаб берилган.

Шундан кейин фақат назмгагина тегишли шеър қисмлари таърифига ўтилган. Шеър қисмлари таърифидаги бундай тартиб муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, "Агарчи, каломи Изиди ва аҳодиси набавий воситасидин насрнинг шарафи назмға (нисбатан) собитдур" [5;30] қабилидаги қаноат билан изоҳланади. Ушбу бадиий унсурлар эса шеър, байт, мисра қисмлари сингари тартибда таърифланади: "Ва шеърнинг ибтидоси *матлаъ* ва *охирин* мақтаъ дерлар. Ва байтнинг аввалги жузвин *садр* ўқурлар ва охир жузвин *ажз* ва *зарб*. Ва қофия ва мисранинг ўртасин *ҳашв* дерлар. Ва аввалги мисраънинг охирин *аруз* дерлар. Ва сўнгғи мисраънинг аввалин *ибтидо*" [5;32].

Шеър жанрлари ва қисмларига Тарозийгача яратилган илмий асарларда шеър вазнлари ёки санъатлари орасида таъриф бериб келинган эди. Бу поэтик ҳодисалар илк бор "Фунун ул-балоға" асарида махсус бобда махсус фаслларга ажратилиб тадқиқ этилган. Тарозий бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, поэтик қисмларга эътиборга молик илмий-эстетик объект сифатида қараган. Негаки, шеърнинг бадииятига баҳо бериш учун, авваламбор, унинг қандай шеър, уни қайси мезонларга асосан баҳоламоқ зарур, ундан нима кутмоқ кераклигини тайин қилиш муҳимдир. Аниқроқ қилиб айтганда, ғазални рубоийнинг талаби билан баҳоламаслик учун Тарозий ёндашувига таяниш лозим бўлади.

Тарозий даврига келиб, араб назми навъларининг туркий адабиётга ўзлашиш жараёни якунига етган, улар ўз доимий белгиларига эга бўлиб улгурган эди. Жанр компонентлари тўла шаклланган, поэтик жанрни қофия тайин этиши аниқ бўлган бир шароитда энди унинг кўринишларини шеърий санъатлар ёки аруз вазни тадқиқи орасида йўл-йўлакай айтиб кетиб бўлмай қолди. Фунуни балоғанинг ушбу жиҳати ҳам алоҳида илм даражасига етди. Ва у илк бор Тарозий томонидан тўлақонли равишда илмий истеъмолга киритилди.

Тарозий жанр сифатида санаб ўтган навълар бугунги кун адабиётшунослиги томонидан ҳам жанр деб қабул қилинади. Тарозий ўз асарининг "Ал-фанн ул-аввал фиақсом уш-шеър" аталган бобида Ҳусайн Воиз Кошифийдан кўпроқ, яъни ўттиз уч адабий атамага илмий изоҳ беради.

Мустақиллик туфайли улуғ юртдошимиз шайх Худойдод Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асарининг топилиши ва истеъмолга киритилиши адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, умуман туркий тилдаги илм тарихи тадқиқида алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар туфайли миллий адабиётшунослик тарихи 56 йил илгари сурилди ҳамда олис XV аср бошларидаёқ туркий тилда адабиёт назарияси билан профессионал даражада шуғулланилгани аён бўлди. Ушбу асарни ҳам матншунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ана шу жиҳатларга кўра ҳам ўта долзарбдир. Чунки "Фунун ул-балоға"ни атрофлича илмий ўрганиш туркий адабиётда Лутфий, Алишер Навоий, Бобур сингари адабий гигантларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини, уларнинг юзага келиши нафақат адабий-бадиий, балки илмий асосларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Рашид ад-дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. –М: Наука, 1985
2. Р. Мусульманкулов. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). -М.: Наука, 1989.– С. 11.
3. Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам фи-маъоири ашъор ил-ажам.- Д.: Маориф, 1991.- Б.413-444
4. Ҳусайн Воиз Кошифий. Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор.- М.: Наука,- Б.31-38
5. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға.- Т.: Хазина, 1996.- Б.32

Ўзбекистон Миллий университети,
2010 йил 12 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Раҳмонов)